
ФАРҒОНА ШАҲРИДА “FERGANA FARMER EXPO ÖZBEKISTAN – 2022” КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

14-15 декабрь кунлари Фарғона шаҳрида “Fergana Farmer Expo Özbekistan – 2022” қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва доривор ўсимликлар инвестицион тижорат кўргазмаси бўлиб ўтади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят АКIS (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими) Агрохизматлар маркази ҳамда Туркиянинг Селчуқ университети ҳамкорлигида ташкил этилаётган кўргазмада Ўзбекистон ва Туркиянинг қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаси масъуллари ва мутахассислари, ишбилармонлар иштирок этишади.

Форум давомида “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида пахта етиштириш ва пахта тозалаш саноатида, чигит делинтациясида ҳамкорлик ва икки давлатнинг тажрибалари”, “Чорвачилик хўжалиги ва ривожлантиришда янги технологияларнинг аҳамияти”, “Илғор инновациялар асосида Фарғонада замонавий интенсификация ва 12 ой давомида мева экспорти қилиш имкониятлари” ва “Қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялар” мавзуларида панел сессиялар бўлиб ўтади.

16 декабрь куни эса “Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги ва инвестиция имкониятлари” мавзусида икки давлат ишбилармонлари ҳамда расмий идоралари вакиллари ўртасида бизнес тадбир ҳамда музокаралар ўтказилади.

Соҳага алоқадор барча тадбиркорлар, ташкилотлар вакиллари, кластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда қизиқиш билдирган фуқаролар кўргазмада иштирок этишга таклиф қилинади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-12-13 20:15:58